



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/6/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Qosimov M. O‘zbekistonlik partizanlarning sobiq ittifoq hududini ozod etishdagi ishtiroki	4
Suyarov M. Xorazmshoh Takashning hukmronlik faoliyatiga nazar	8
Хасанов Р. Лирик қўшиқчилик тарихи	11
Шаймқулов А. Совет ҳокимияти ахборот сиёсати тарихидан	15

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Abdiyeva S. Chet tilini o‘qitishda yangi texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi	19
Abduraimov J., Mo‘llajonov M., Abduhalilova H. Ta’limda elektron resurslar tahlili	21
Abdurahmonova M. Chet tillarni o‘rganish va o‘rgatish jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish	23
Абдусаломова Ф. Особенности применения интерактивных методов при изучении русского языка	25
Ахмедова Б. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим хизмати сифатини оширишнинг моҳияти ва вазифалари	28
Ахророва С. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатининг аҳамияти	32
Ashurova Sh. Bolalarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda oilaviy munosabatlarning o‘rni	36
Бердиев Б. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтириш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида	39
Бозоров Э., Зоирова Л. Изучение сравнительного анализа доз радиации на онкологические опухоли органов организма человека методом “обратная связь”	43
Boyxanov I. Ta’lim jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish	46
Валиев Ш. Сунъий интеллектнинг фалсафий муаммолари	49
Довранова О. Постмодерн жамият ва оилавий муносабатлар: тушунча ва моҳият	52
Ёдгорова З. Медиа оламида модаллик категориясига назарий қарашлар	55
Жуманиёзова Н. Аутизм болага психотерапевтик ёрдам бериш усуллари	58
Ибрагимов И. Туркистон жадидаларининг ижтимоий-фалсафий генезиси	62
Икромов Б. Бошланғич тайёргарлик босқичида Байдаркада эшак эшувчиларни курукликда асосий техник элементларни ўзлаштириш орқали машғулот олди хавотирланиш кўрсаткичини пасайтириш	65
Islomov K. Abu Rayhon Beruniyning falsafiy qarashlari	68
Kaljanova G. Ingliz tilini maxsus maqsadlarda o‘qitishning o‘ziga xos xususiyatlari	72
Каримов Ф. Ўрта ёшдаги 45-60 ёшли эркаклар учун жисмоний тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи машқлар жамланмасини ишлаб чиқиш	76
Karimova M. O‘smir yoshidagi qizlarda oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarini oila mustahkamligiga ta’siri muammosining nazariy tahlili	79
Кимсанбаева Ш. Ўзбекистонда диний бағрикенглик	81
Kosimov F. The role of student independent work in the learning process	84
Қушаков Ф. Илм – ижтимоий ҳодиса сифатида	87
Мамаюсупов У. Глобаллашув шароитида виртуал таълим Ўзбекистон таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг муқобил усули сифатида	90
Mustafoeva N. The specifics of teaching writing in a foreign language to law students. Analysis of existing methods	93
Мухаметов А. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соғломлаштириш машғулотларида юкламаларни меъёрлаштиришнинг илмий-методик асослари	96
Muxammadiyeva O., Himmatova N. Xotin-qizlarni ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy faolligini oshirishda xorijiy tajribalarni o‘rganish	100
Ne‘matullayeva S. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘yin terapiyasini qo‘llashda innovatsion usullar	104
Низамова У. Чет тилни самарали ўқитишда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг ўрни	107
Орехин-Рыжина В., Ахмедова Г. Значение новых педагогических технологий на занятиях по иностранному языку	110
Otajonova S. Talabalarda valeologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari	113
Raxmatov D. O‘zbekistonda suzish sportining rivojlanishi	116
Саидова М. Бошланғич синф математика дарслигининг халқаро киёсий таҳлили	120
Сайтмуродов Ж. Гегель дунёқараши шаклланишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари	125
Сайдалиева Г. Роль мотивации в изучении иностранного (русского) языка	129
Санақулов Ф. Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган дастурий воситаларнинг таълим жараёнига тадбиқи ва методикаси	132
Содиқова Ш. Оптик нур тоалардаги дисперсия ҳодисалари мавзусини ўқитишда медиатаълим технологиялардан фойдаланиш методикаси	136
Таджихамедов Ш., Мирзабоев Х. Курашчиларни техник усуллarga ўргатишда моделлаштиришнинг самарадорлигини такомиллаштириш	139
Тошбоева М., Ташпулатов Ф. Дзюдо спорт туридаги усуллари амалга ошириш натижасида сарфланадиган килокалория миқдори	142
Тулишов Г. Замонавий таълим менежменти ва педагог фаолиятини такомиллаштириш	143
O‘ktamova N. The main principles of teaching sociolinguistic competence for adult learners	145
Ўлмасхўжаев З. Глобаллашув жараёنларининг ёшлар дунёқарашига таъсири	147
Умаров А. Современные проблемы агонального дискурса и возможности его использования в аудиовизуальном методе преподавания русского языка	151
Уразбаева Д. Онкология соҳасида ишлайдиган тиббий ходимларни ижтимоий-психологик тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги	155

Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y. Elementar zarrachalarning standart modeli va o‘zaro ta’sirlashuvlarni o‘rganish metodikasi	160
Xalikova D. Teaching reading skills and creative activities in esl classes	164
Хамдам-зода Л. Метод проектов как перспективная форма интерактивной технологии	167
Xasanova X. Kimyo darslarida steam tajribalaridan foydalanish	170
Хўжаев М. Мирзо Улугбекнинг давлат бошқарувида сўфийлик таълимотига муносабати	174
Хўшбоқов Д. Ижтимоий-маданий муносабатларда замонавий алоқа воситаларининг роли	177
Хакимов О., Эргашов Ш. Ёшлар тарбиясида ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш омиллари	180
Шамсиддинова Э. Цивилизация жараёни ва ижтимоий онг	184
Шерматов Ғ. Дзюдо мусобақаларида энг кўп қўлланиладиган усуллар ва уларнинг аҳамияти	187
Шукуров Б. Техника олий таълим муассасалари талабаларига физикани ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш услублари	190
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида	194
Эшманов О. Техника олий ўқув юртларида кишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашнинг илмий-назарий асослари	198
Янгибоева Д. Аккультурация – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида	202

Филология

Alimuhammedova Kh. Lexical behaviour in academic and technical corpora: implications for esp development.....	205
Бабаходжаева Н. Бойсун ифтихори (Усмон Азим шеърятига бир назар).....	209
Boltaboyev N., Kazakbayeva D. Mohlaroyim Nodira and Khurshidabonu Notavon: secrets of creative similarity and specificity	212
Djumaboyeva J., Jurayeva M. A comparative study of the conceptual metaphors of «time/время/vaqt» in english, russian and uzbek languages.....	215
Жабборовва Ҳ. Радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий аспекти	218
Жалолова Ф. Олам лисоний тасвирида “Ўғай она/stepmother” лексик бирлигининг лингвомаданий хусусиятлари	221
Избасарова Ш. Бадиий матнни тадқиқ этиш муаммолари	225
Комилова Ш. XX аср Хитой адабиётида "Янги драматургия" нинг ривожланиши	228
Qulbulov Sh. Kompyuter leksikografiyasi: elektron lug‘at tushunchasi, ularning turlari, afzalliklari va rivojlantirish istiqbollari	231
Lokteva N. «Семейная хроника» и литературный процесс XIX-XX веков	234
Муратова М. То телл феълнинг аспектвал-семантик таҳлили	237
Murodova D. Pak Vanso romanlarida “men” shaxsining shakllanish masalalari	240
Муҳиддинова Д. Араб ёзувчиси Жамал ал - Фитоний ва ўзбек ёзувчиси Миркарим Осим ҳикояларида тарихий мавзуларнинг қиёсий таҳлили	244
Назарова Ш. Янги ўзбек шеърятига аруз вази муаммосига доир айрим қайдлар	247
Normuminov U. Ingliz va o‘zbek tillarida atov birliklari va frazeologizmlarida xalq maqollarining lingvomadaniy xususiyatlari.....	251
Раҳматов М. Алишер Навоий лирикасида шеърый жумла муаммоси	255
Саидова Н. Эволюция образа женщины в саудовской обществе в конце XX века (на примере рассказов Ахмада Абду аль-Малика)	259
Саидова Р. Ўзбек адабиётшунослигида семиотик квадратдан фойдаланиш	263
Temirbulatova I. Koreys tilida 그래 hamda 참 diskurs markerining o‘ziga xos xususiyatlari	267
Турдибеков М. Ўратепа, Бунжикат, Қаҳқаҳа топонимларининг этимологияси	268
Умарова С. Озарбайжонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши.....	269
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида	271
Choriyeva A., Lokteva N. Ayolning hayotga bo‘lgan qarashlari (Enn Tayler “Yerning ne‘matlari” romani misolida) ...	275
Elmurodova S. Hozirgi zamon ingliz tili matematik terminlari tahlili.....	279



УДК: 81.2

Райҳоний САИДОВА,

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти доценти

E-mail:saidovarayhonoy@buxdupi.uz

БухДУ профессори, ф.ф.д. Ф.Н.Муродов тақризи асосида

THE USE OF THE SEMIOTIC SQUARE IN UZBEK LITERATURE

Abstract

The semiotic square, based on Aristotle's logical square, is a universal scientific tool that can be applied to a number of disciplines, including literary text analysis. The experience of applying the semiotic square to examples of modern Uzbek literature shows that it played an important role in clarifying the essence of the literary text. Using the semiotic square, it is possible to identify the contradictory relations arising from the opposition of horizontal, vertical and diagonal signs in it and to study them on the basis of binary opposition.

Keywords: semiotic square, semiotic analysis, structure and semiotic layer, literary text, binary opposition, logical thinking

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЕМИОТИЧЕСКОГО КВАДРАТА В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Аннотация

Семиотический квадрат, основанный на логическом квадрате Аристотеля, является универсальным научным инструментом, который можно применять в ряде дисциплин, в том числе в анализе художественного текста. Опыт применения семиотического квадрата к образцам современной узбекской литературы показывает, что он сыграл важную роль в прояснении сущности художественного текста. С помощью семиотического квадрата можно выявить противоречивые отношения, возникающие в результате противопоставления в нем горизонтальных, вертикальных и диагональных знаков, и изучить их на основе бинарной оппозиции.

Ключевые слова: семиотический квадрат, семиотический анализ, структура и семиотический слой, художественный текст, бинарная оппозиция, логическое мышление.

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА СЕМИОТИК КВАДРАТДАН ФОЙДАЛАНИШ


Аннотация

Аристотелнинг мантикий квадратида асосланган семиотик квадрат универсал илмий восита бўлиб, уни бир қатор фанлар, шу жумладан, бадий матн таҳлилида ҳам қўллаш мумкин. Семиотик квадратни замонавий ўзбек адабиёти намуналарига нисбатан қўллаш тажрибаси унинг бадий матн моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади. Семиотик квадрат ёрдамида ундаги горизонтал, вертикал ва диагональ белгиларнинг қарама-қаршилигидан юзага келган зид муносабатларни аниқлаш ва бинар оппозиция асосида уларни тадқиқ этиш имконияти мавжуд.

Калит сўзлар: семиотик квадрат, семиотик таҳлил, struktur va semiotik qatlam, badiiy matn, бинар оппозиция, мантикий тафаккур.

Кирриш. Асли литвалик бўлган А.Ж. Греймас томонидан ишлаб чиқилган ва илмий истеъмолга киритилган Семиотик квадрат тизими Аристотелнинг мантикий квадратида асосланган. Аристотелнинг мантикий квадратида асосланган семиотик квадрат универсал илмий восита бўлиб, уни бир қатор фанлар, шу жумладан, бадий матн таҳлилида ҳам қўллаш мумкин. Семиотик квадратни замонавий ўзбек адабиёти намуналарига нисбатан қўллаш тажрибаси унинг бадий

матн моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади. Семиотик квадрат ёрдамида ундаги горизонтал, вертикал ва диагональ белгиларнинг қарама-қаршилигидан юзага келган зид муносабатларни аниқлаш ва бинар оппозиция асосида уларни тадқиқ этиш имконияти мавжуд. Бундай усул эса бадий матн таркибидаги белги концептлари орасидаги қарама-қарши алоқаларни атрофлича ўрганиш имкониятини яратади.



А.Ж. Греймас томонидан ишлаб чиқилган семиотик квадрат чизмаси

СКнинг юқорида келтирилган чизмаси уч хил муносабатни ўз ичига олади:

1) текис (горизонтал) сатҳда жойлашган белгиларнинг зиддиятига асосланган муносабат;

2) диагоналдаги белгиларнинг қарама-қаршилигидан юзага келган зид муносабат;

3) тик (вертикал) импликация ёки комплиментар муносабат. Бу зиддикнинг ҳаққонийлигини аниқловчи белги алоқаси бўлиб, у квадратдаги вертикал жойлашган белгилар орасидаги зиддият ёхуд унинг аксини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Жаҳон адабиётшунослигида структурализм ва семиотика муаммолари бўйича кўпгина ишлар яратилган. Жумладан, француз этнологи К. Леви - Стросс, Р. Барт, Ж. Озиа, Ж. Лаканнинг З. Фрейд таълимотига асосланган илмий изланишларида структур методлардан фойдаланилганлиги структурализмнинг фан сифатида шаклланишида алоҳида эътирофга лойик.


Рус адабиётшунослигида атоқли аллома М. Бахтиннинг «полифоник тафаккур» ҳақидаги назарияси, Ю. Лотманнинг Россиядаги «структур мактаби», академик М. Храпченконинг талайгина тадқиқотлари семиотика муаммоларига бағишланган. Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, ўзбек адабиётшунослигида структурализмга қизиқиш, эътибор пайдо бўла бошлади. Адабиётшунослардан А. Расулов, Қ. Йўлдошев, С. Мелиев, М. Холбеков, Б. Карим, Д. Қуროнов, Қ.

Қаҳрамонов, Ҳ. Болтабоев, Ғ. Муродов ҳамда Р.А.Саидовалар каби олимларнинг китоб ва мақолаларида структурализм моҳияти, вазифалари, тадқиқ усуллари хусусида маълум бир нуқтаи назарлар билдирилган ва айрим ишларида структур ҳамда семиотик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Бадий матни тадқиқ қилишда Рауф Парфининг 1974 йилда ёзилган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” шеърини бинар оппозиция бўйича семиотик квадрат асосида таҳлил доирасига тортиб, шу асосда айрим бир хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот методологияси. Семиотик квадратга таянган ҳолда даставвал юқори текис сатҳда жойлашган белгиларо зиддиятни аниқлаш ва асосда матн тизимидаги устувор фикр моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз.

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб
Хун давридан омон келди Ғиротинг
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.
Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни.



Порлоқ осмонинг қузғунлар учди,
Э воҳ, ёғилларинг солди яғмони
Ўрхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен,

Шеърин матн ичидан бинар оппозицияни ташкил этувчи иккита белгини ажратиб оламиз ва уларни квадратнинг юқори сатҳига жойлаштирамиз. Булар қуйидагилар:

- 1.Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,
Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни
 - 2.Хун давридан омон келди Ғиротинг,
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.
- Чизмага кўра биринчи рақамли шеърин парча S 1 иккинчиси эса S 2 билан белгиланди.

Семиотика мутахассислари, шу жумладан, Греймаснинг фикрича, белги, энг аввало, зидлик маҳсулидир. Мантикий тафаккур талабига биноан “ширин” “аччиқ”ни албатта тақозо этади. “Кичик” бўлмаса, “катта”ни тасаввур қилиш ёхуд баҳолашнинг иложи йўқ. Бу - мантиқ илмининг хулосаси. Ушбу фикрни семиотикага ҳам татбиқ этиш мумкин. Белгиларо зидлик бўлиши учун мана шу икки белгини бирлаштириб турувчи тушунча мавжуд бўлиши лозим. Юқорида келтирилган “ширин” “аччиқ”ни бирлаштириб турган тушунча - таъм.

Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирийлар номини мустабид совет тузуми 1937-1938 йилги қирғин-қатагонлардан сўнг эслаш, китобларини ўқишни бутунлай тақиқлаб қўйган. Мабодо эсланганда ҳам, “халқ душмани” деган машғум тамга орқали тилга олинган. Ушбу овоз гарчанд Чўлпонга тааллуқли бўлса-да, у барча тараққийпарвар жадидлар номидан гапирмоқда. Унинг сўзларига кўра, дунё “оқ эмас, қора бардош”дир. Чунки “оқ” (адолат) оёқ ости қилинган, истибдод эса тантана қилинган. Золимлар (истилочи-мустамлакачилар) ёлгон-риё салтанатини барпо этганлар.

Уқибат остидаги халқнинг бир гуруҳ сотқин, қўрқоқ вакиллари манфаат, мартаба илинжида оқни қора демокдалар. улар ватан истиқлоли йўлида ҳалоқ этилганларни ёди (эслаш)дан воз кечганлар. Бу ожиз ва бадбахт кимсаларнинг “сўзларида заҳар”, “кўзларида тош”. “Элидан, тилидан кечганлар” – юрти истиқболи қолиб, маккор тўралар измига бўйсунганлар, ҳатто ўз тили қолиб, босқинчилар шеvasида сўзлашни одат қилаётган инсон қиёфасидаги махлуқлардир. Шундай қилиб, семиотик квадратнинг S 1 қиррасидаги

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб
Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни -

матний бўлак лирик қаҳрамон ва ровий томонидан баён этилган бошқа бирликлар билан ўзаро (парадигматик) алоқа-муносабатга киришган ҳолда машғум замоннинг улкан фожиаларини образли тарзда кўрсатиб берган. S1 худудидаги лексия горизонтал муносабатга квадратнинг S2 қиррасидаги қуйидаги матний бирлиги билан зид алоқани ҳосил этади:

Хун давридан омон келди Ғиротинг,
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

Ушбу матн бўлаги S1 ифодаланган қарашни узиликесил инкор этаётир. Ушбу белгининг таҳлили шундай фикр-қарашларга келишга имкон беради:

Туркий тил уларнинг соҳиблари бўлган эл-улус билан бирга узоқ - ҳам шонли, ҳам фожиали даврларни бошдан кечирди. Мазкур тил ва халқларга тажовуз, зўрлик, зулмлар бўлди. Инсон сувратидаги иблислар бу халқни йўқотмоқ учун барча қабиҳликларни қилдилар. Шеърин бўлакда бир - бирига алоқадор бўлган учта белги мавжуд:

1) Хун даври - туркийларнинг олтин замонларидан бири. Тарихнинг бу босқичида туркларнинг шон -

шухрати, қудрати, жанговар руҳи бутун дунё бўйлаб ёзилган;

2) Ғирот - Жаҳон эпосининг нодир намуналаридан бири саналган “Алпомиш” бош қаҳрамонининг афсонавий оти. у Бойсундан Қалмоқ юртигача бўлган уч ойлик масофани уч кунда босил ўтган ;

3) Энасой - туркийлар қадим замонларда яшаган ҳудуддаги улкан дарё. Ушбу уч белги бир-бирига алоқадор ва яқин бўлганлиги сабабли бир тизимга кириб парадигматик муносабатни ҳосил этади. Матн доирасида мана шу бирлашувдан янги - қаттароқ миқёсдаги янги бир белги юзага келади. Бу туркий тилининг умрбоқийлигини ифодаловчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган белгидир

2. Энди СКдаги диагоналар учиди жойлашган белгилар муносабатини аниқлашга ўтамыз. Булар: S 1 ва ~S 1 . шунингдек, S 2 ва ~S 2 орасидаги зид боғланишларни ифодалайди.

S 1 ва ~S 1 зидлик тизимида бадий матн доирасида S 1 (йиллар баҳоримни учирди қалғиб, Музларга қўчирди ўтлуқ ёзимни)га қарама - қарши бўлган, яъни S 2 (Хун давридан омон келди Ғиротинг, Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги) га тегишли белги билан яқинлиги сабабли бир парадигматик қаторга қирадиган яна бир лексияни танлаб оламиз.

Ўрхун бўйларида тошга айландинг,

Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен.

Ушбу бирликда ҳам бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи ва ягона белгини вужудга келтириш учун асос бўладиган учта бирламчи белги бор:

1)Ўрхун; 2)тош; 3)Турон.

Бу белгилар ўзаро бир-бирини тақозо этмоқда. Ўрхун - Хун даври ва ундан кейин туркий халқлар яшаган қадимий ҳудудлардан бири. У у китобхон хотирасида ўз - ўзидан матн таркибидаги Энасой белгиси билан табиий равишда бирикади: Ўрхун-Энасой. Бу энди матн доирасида вужудга келган янги бир белгидир. Бу бирлик ўз структурал оламида Тунюқуқ, Култегин, Билга ҳоқон номлари ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ёдгорликларни жамлайди. Китобхон фикр оқимида мазкур бирикув тош белгиси билан алоқага киришиб, тошбитик, яъни қадимий турк ёзуви - дулбаржинда битилган қўхна ёдгорликлар ҳақидаги хотириани жонлантиради. Бу ўринда тош белгисига алоҳида тўхталиш, унинг бадий матн доирасидаги коннотатив маъносини изоҳлаш лозим, албатта.

Тош биринчи навбатда туркий халқларга азалдан хос бўлган сабр- тоқат, матонат, жасорат каби хислатларни ифодалайди. Иккинчидан эса у ажодимиз тошларга ўйиб ёзиб, инсониятга мерос қилиб қолдирган маънавий обидаларга ишора қилаётир. Ёзув воситаси тарзида айнан тошдан фойдаланиш буюк бобоқалонларимизнинг ниҳоятда ўткир заковатга эга эканликларини яққол кўрсатиб турибди.

Матний бўлақдаги учинчи белги (Турон) Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг манбаи бўлган жуғрофий ҳудуд, яъни тарихий Ватан билан бевосита боғлиқдир. Унинг қўқларга санчилиши - оламшумул мавқе ва шарафга эга бўлиши, авваламбор, халқ руҳининг қаноти бўлмиш она тил билан бевосита боғлиқ.

Бу ҳодисанинг сабаби шундаки, тил мавжуд экан, унинг соҳиби ҳисобланган эл-улус ҳам барҳаётдир. Шу боисдан бир юртни қуч ёки макр-ҳийла билан ишғол этган босқинчилар мағлуб халқни тўла-тўқис маҳв этиш учун

унинг тилини йўқотишга уриниб келганлар. Гарчи улар туркий тилни инсоният лисоний захирасидан чиқариб юборишга эришмаган бўлсалар-да, ўз тилларидаги кўплаб сўзларни, грамматик ва фонетик хусусиятларни туркий тилга баъзан кўпроқ, баъзан озроқ сингдиришга муваффақ бўлишган. Оқибатда қадимий тилга хос гўзаллик, жозибага путур етказилган. Абдурауф Фитрат “туркий тилнинг бахтсизлиги” деганда, айнан мана шу тарихий фожиани назарда тутган эди.

Таҳлил ва натижалар. Шундай қилиб, семиотик квадратнинг S1 қиррасидаги Йиллар баҳоримни учирди қалғиб, Музларга қўчирди ўтлуқ ёзимни лексиясидаги белгилар тизими S2 даги ўзаро зидлик муносабати бизга бир ҳақиқатни ойдинлаштириш имконини беради. Бу ҳақиқатни шундай изоҳлаймиз:

Ўрхун бўйларида тошга айландинг Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен матний бўлақдаги белгилар тизими S1 даги белгиларда ифодаланган қарашларни инкор этади. Ушбу инкор буюк, шу билан бирга, жабрдийда она тили, шунингдек, туркий халқларнинг қанчадан қанча фожиа, йўқотиш, оғир синов ва имтиҳонларга қарамай ўзлигини, умрбоқийлигини сақлаб қолганини очик - ойдин кўрсатиб берапти.

2. Энди таҳлилимизнинг навбатдаги босқичида СК диагоналидаги S2 ва ~S2 матний парчалар орасидаги муносабатларни аниқлашга киришамиз. Бу ишга киришишдан олдин бадий матн таркибидан СКнинг S2 учига қарама-қарши жойлашган ~S2 бурчаги учун мос лексияни ажратиб оламиз ва белгиланган жойга жойлаштирамиз:

Порлоқ осмонинг кузгунлар учди,

Э воҳ, ёғийларинг солди яғмони.

Семиотик квадрат талабига кўра ушбу маъний парча S2 даги қуйидаги лексияга белгилар маъносига кўра қарама-қарши бўлиши керак:

Хун давридан омон келди Ғиротинг,

Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

S2 да жойлашган шеърий бўлак юқорида таҳлил этилган эди. Ундаги белгилар миқдори ва моҳияти ҳам ойдинлаштирилди. Шу сабабдан лексиялараро зид муносабатни аниқлаштириш учун ~S2 даги белгиларни ажратиб олиб, уларнинг талқинига киришамиз.

Таҳлил учун ажратиб олинган икки мисрада қуйидаги белгилар мавжуд:

1) порлоқ осмон; 2) кузгунлар; 3) ёғийлар яғмоси.

Хулоса ва таклифлар. Шеърий матн бўйича олиб борилган иш - таҳлил ва талқинлар қуйидагича фикр-қарашларга келишга имкон беради:

1. Ушбу бадий матнда бинар оппозиция устувор ўрин тутади. Бу фикрни матндан ажратиб олинган муайян бирликларни текис сатҳ (S1 ва S2), шунингдек, диагональ (S2 ва ~S2) асосида талқин этиш натижалари аниқ кўрсатиб турибди. Бу зидлик халқ (туркийлар), тил (туркий тил) ҳаёт ёки мамотини акс эттиради. Миллат ва тилга хуружу босқинлар қанчалар улкан изчил бўлмасин, улар тарих тўфонларидан эсон-омон чиқиб бутунги кунларгача етиб келдилар.

3. Ҳар қандай талқин, шу жумладан, семиотик талқиннинг асосий вазифаси бадий адабиёт нумунасидаги бадият даражасини аниқлашдан иборат. Семиотик квадрат ҳам шу вазифани бажаришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ролан Барт. Избранные работы. Семиотики. Поэтики. Москва.: Мысл. 1989.
2. Лотман Ю. Структура художественного текста. – М.: Искусство, 1970.
3. Meliev S. Strukturalizm va struktur tahlil haqida. – O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent. 2009. №2 B

4. Карим Б. Структурал метод. – Манба: Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016. – 266 б.
5. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқидда структур метод талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 5. – Б. 34-38.
6. Murodov G'. Tarixiy roman: genezisi, keyingi taraqqiyoti. – Toshkent: Fan, 2005.
7. Saidova R.A. Semiotics and Fiction. International Journal of Recent Technology and Engenering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, pp.183-188, October 2019.
8. Rauf Parfi. Sukunat. "Toshkent", "Yulduzcha" nashriyoti, 1989.